


ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ОЙНОМАСИ

4 '1992

61-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
(Танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири)

Мурод МАНСУР
(Кичик наср бўлими мудири)

Омон МУХТОРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Икром ОТАМУРОД
(Назм бўлими мудири)

Носир ФОЗИЛОВ
(Масъул котиб)

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ
(Мақоланавислик бўлими мудири)

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мусурмон Намоз

Янги туйғу тадрижи

70-йилларнинг сўнгида адабиётимиз саҳнасига чиққан ижодкорлар ҳалигача янги авлод деб аталмоқда. «Ёш» ёки «янги авлод» деб аташ, албатта, нақ расмийликнинг ўзгинаси. Агар биз турғун қарашлардан узилиб, адабиёт саҳнасига тепароқдан назар ташласак, адабиёт ҳамиша ёш ва навқирон, деган оддий ва азалий ҳақиқатни англаб етамиз. Лекин, адабиётшуносликда ёш ёки янги авлод деган тушунчалар мавжуд экан, буларнинг тубида ҳам недир бир асос мавжуд эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Шу нуқтаи назардан ёндашсак, ўзидан олдин ўтганларга ва ўтаётганларга нисбатан бу авлод ҳақиқатда янги эканлигини, ёш эканлигини тан оламиз. Бу янгиликнинг сабаблари нималарда кўринади?

Тоталитар давлатчилик тартиботига қурилган тузумимизнинг, яна ҳам аниқроғи, социалистик реализм методининг адабиётга кўрсатган катта таъсири, адабиётни ҳукмрон ғояларга хизматкор бўлишга мажбур эта олгани, адабиёт учун бош мезон — бу ғоявийликдир деган тушунчани сингдиргани бўлди. Эҳтимол, мутлақо эркин жамиятда ғоянинг бош ролга даъвогарлиги адабиётга унчалик катта зиён етказмас. Чунки, адабиёт ҳам мақсадли бўлиши, бирон бир ғояни илгари суриши, шунинг тасдиғи ёки инкори хусусида баҳс юритиши табиий. Лекин ғояларнинг мавжудлиги, уларнинг инсон фаолиятининг ҳар қандай кўринишида ҳукмрон ўрин тутишга интилиши, ҳаёт — ғояларнинг маҳсули эмас, аксинча, ғояларнинг ўзи ҳаётнинг маҳсулидир деган оддий ҳақиқатни унутишга олиб келмаслиги керак эди. Эркин жамиятда ғоялар кураши табиий туҳ олади ва у ҳаёт оқимини белгиловчи кучга эга эмас, балки турмуш унсурларидан бирига айланади.

Ҳаётда шахс эмас, коллектив бирламчи мавқе тутиши ҳақидаги инсон онгига мажбурлаб сингдирилган тушунча алоҳида шахснинг маънавий ҳаёти такомилини секинлик билан йўққа чиқара бошлади. Яратувчи, ижодкор — руҳият чўққилари сари тинимсиз кўтарилиши лозим бўлган инсон ўрнига истеъмолчи шахс пайдо бўлди. Излаш ва интилиш эмас, топиш ва йўқотиш эмас, борига қаноат қилиш ҳисси ғолиб келди. Кўрсатилган йўлдан оғишмай юриш фазилат санала бошлади. Инсон шунга кўникди, кўнди. Унинг руҳияти қашшоқлашиб, бор маънавий бойлиги қачонлардир, кимлардир ҳайқириб айтган, одамларнинг бошига муштлаб киргизган умумий бахт, умумий тенглик, тинчлик, фаровонлик ҳақидаги шиорлардан иборат бўлиб қолди. Адабиёт ҳам мавжуд ҳаёт инсоннинг яшаш тарзига қанчалик мос эканлигини ўйлаб ўтирмай, борини куйлай бошлади. Мабодо, унинг сатрларида бирон бир қайғу-ғамнинг, дарднинг излари кўриниб қолса ҳам, сабаб — руҳий изтироб бўлмай, майда-чуйда йўқотишлар, севги оҳ-воҳларидан иборат эди. Майда туйғулар ҳаётда ғолиб келганлиги каби, адабиётда ҳам музаффар эди.

Албатта, истисnolар ҳамиша мавжуд. Бизнинг совет адабиётимиздан эса бундай истисноларни керагича излаб топса бўлади. Ойбек лирикасини, Ғафур Ғуломнинг «Кузатиш», «Соғиниш», «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим» каби дурдона шеърларини, Мақсуд Шайхзоданинг ақл ва самимият, улкан инсонпарварлик жўшиб турган шеърларини, Абдулла Ориповнинг 60-йиллар шеъриятини, Рауф Парфи ижодини мисол қилиб келтириш ва руҳиятимиз ҳамиша уйғоқ эди, у бачкана туйғулардан устун тура олган, шеъриятимиз яна асрлар ўтса-да, барибир қўл етмас юксакликларда қолаверадиган шеърий асарларга эга, дейиш мумкин. Лекин адабиёт, хусусан, шеърият фақат дурдоналардан иборат бўлмаслиги равшан. Асл гавҳар кўримсиз чиғаноқ ичида бино бўлгани каби дурдоналар ҳам аслида ўртамиёна асарларнинг бағрида ўсади. Агар шу ўртамиёна адабиёт бағрида ёруғлик, эзгулик, эркин руҳ ва эркин фикр бўлмаса, дурдоналарнинг пайдо бўлиши имконияти ҳам шунчалик камаяди. Масалан, Ғ. Ғуломнинг қанчадан-қанча шеърларини бугун фақат лабда истеҳзо билангина ўқиш мумкин. Инчунун, А. Ориповнинг беқиёс ва бетимсол шеърларини ҳам эркин фикр ва эркин руҳнинг улуғвор ҳаракати маҳсули эмас, аксинча ҳар томондан қувғин қилинган, бир ёруғлик, бир йўл тополмай даҳшатли изтироб ичида қолган руҳнинг нолалари эканлигини бугун ҳам тушунмаслик густоҳликдир. Руҳ такомил топмоғи мумкин бўлган ҳар қандай йўл тақатақ бекилиб, қатъий режа сифатида белгилаб қўйилган ёлғиз «хиёбон» қолган тақдирда, ўзининг ҳатто эрксиз эканлигини ҳам англашдан маҳрум этилган руҳнинг изтиробидан буюкроқ изтироб, унинг туйғуларидан кўра юқумлироқ туйғу бўлиши мумкинми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўйчан кеча, тун ичра танҳо
Рауф, дўстим, қолдик икковлон.
Биз меҳрга тўймадик асло
Бир ёруғлик излаймиз ҳамон, —

деб ёзганда Рауф Парфи замона зулмида қолган руҳ изтиробини, ҳолатини нақадар теран ифодалай олган эди!

Лекин абадий шундай қолиши мумкин эмас эди, ахир.

Инсон, шубҳасиз, маълум жамиятда яшайди. Лекин ундан ички, маънавий ҳаётини тортиб олинг — унда инсонликдан асар ҳам қолмайди, жонсиз танага ёинки темиртанга айланади. Совет жамиятидаги энг катта фожиалардан бири ҳам шу эдики, у шахснинг ички маънавиятини тортиб олиб, фақат ижтимоий ҳаётини қолдирди.

Ёшлар шеърияти адабиётга олиб кирган биринчи ва айтиш мумкинки, энг асосий янгилик алоҳида шахсни — шу жамият қўйнида яшаб, унинг касалликлари билан оғриган, унинг дардларидан узоқлашиб кетолмаган, лекин шунга қарамасдан, ўз маънавиятига эга бўлган шахсни бадиият оламидаги бош қаҳрамон мансабига кўтаролгани бўлди.

Социалистик реализм методи адабий образларнинг марказига типиклик шартини қўяди. У «шундай бўлса яхшироқ бўларди» деб ўтирмайди, балки талаб қилади ижодкорни мажбурлайди. Кўпчиликка ўхшасин деган талаб, муқаррар суратда «ўхшамаса, айрича бўлса керакмас», деган инкорни ҳам туғдиради. Бу эса ўз навбатида адабиётнинг инсон томон тўла бурилишига, унинг фақат ва фақат инсон қалбини тасвирлашига монелик қиларди. Адабиёт қурилишни, колхоз ёки заводни тасвирлаши лозим, шуларнинг «винтчаси» бўлган одамларни ҳам йўлакай кўрсатиши мумкин. Зеро, инсон — бир «винтча», холос.

Ёш авлод эса ҳукмрон мафкура адабиётга белгилаб берган бу каби чалкаш тушунчаларга кўпам эътибор бериб ўтирмади. Бу ерда сталинизм қатағонларининг узоқлашгани, чандиқлар битиб, оғриқлар сезилмай қолгани, тажрибасизлик туфайли «сиёсат» деган даҳшатли куч нима эканлигини етарлича илғай билмаслик ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ҳарҳолда, у бошини кўтариб тевараккa қаради ва атрофида... дард ва бахтга қоришиқ бир оламни, Одам Ато ва Момо Ҳаво замонидан бери мавжуд замину осмонни кўрди, шулар билан бетма-бет турган ўзини англади. Бу чексиз коинотда «Мен» ва «Дунё» деган иккита тушунча мутлақ эканини, бошқа ҳаммаси нисбий, ўткинчилигини тушунди.

Албатта, бу жараёнларнинг барчаси онгли суратда кечган деб айтиш қийин. Эҳтимол, тахминан шу тарздаги фикрлар мавжуд бўлгандир ҳам. Лекин мен буларни англаш жараёни кўпроқ ҳиссий тарзда содир бўлган, деб ўйлашга мойилман. Ахир ҳамма йўллар олдиндан ўйланган, аниқ-равшан чизиб берилган бўлса, «баъзи бир йўлдан оғишлар умумий ғоянинг эмас, айрим шахсларнинг хатоси» бўлса, яна ўйлаб, фикр юритиб, тафаккур изтироблари ичра ёнишдан не наф бор? Коммуна ғоялари умуман олганда, жозибалидир. Тенглик, озодлик, бародарлик, фаровонлик ва ҳоказо қарашлар ҳар қандай эзгу мақсадли ижодкор руҳини ўзига жалб этишга қодир. Буларнинг ҳаммаси давлат, ҳукмрон мафкура томонидан бош мақсад деб эълон этилган эди. Бу эса тажрибасиз ёшларни алдаб қўйиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик даркор.

Усмон Азимовнинг дастлабки тўплами — «Инсонни тушуниш»дан ўрин олган (бир қадар юзаки, яланғочлигини ҳисобга олмаймиз) мана бу мисраларни шундай туйғулар натижаси деб тушуниш мумкин:

Сир кўп олам қаърида,
Мўъжизага қон олам.
Бу ҳаётнинг бағрида
Мўъжизадирман мен ҳам.

У. Азимовнинг бу ва бошқа кўпгина шеърларидаги таъсир куч ҳам шунда — ҳар бир инсоннинг такрорланмас бир мўъжиза эканлигини тасдиқлашида, жўшқинлик, кўтаринкилик билан исботлашидадир. Унутилган, маънавий ёлғизликка маҳкум этилган шахсни бор бўй-басти билан кўрсатиб, ўқувчиларга ўзлари ҳам аслида шу лирик қаҳрамон каби ёлғиз ва «меҳрга зор» (Мен меҳрга бирам, зор, Ташна эрурман шу пайт».) эканлигини кўрсата билишидадир. Бу ёлғизлик туйғуси ҳаддан ташқари юқумли. Зеро, шахс унутилишга маҳкум этилган замонда сал-пал бўлсин ўзини англай бошлаган инсоннинг ўзини чексиз бир саҳрода («Сен йўқ эдинг, бесарҳад фазо, Олти қитъа, тўрт баҳри улкан Ўртасида яшадим танҳо, Муштдай мўъжаз юрагим билан».) тасаввур этиши, англагувчи ва тушунувчи бир зотга муҳтож бўлиши табиий.

«Мен» муаммосига, шахснинг бу даҳри дун, шу жамият аро ёлғизлиги фожиасига бағишланган У. Азимовнинг яна бир шеъри диққатни ўзига тортади:

Қуёш ботиб кетди. Туғилмоқда тун.
Ҳали ўпилмаган, маъсум, бокира.
Кўчада юрибман, мен нима учун
Мен ахир ўлганман, мен бир хотира.

Албатта, бу шеърга утилитар манфаатли бир маъно юклаш, севги тўғрисидаги романтик сербўёқ бир шеър деб қараш осон. Лекин бир бошқа нуқтани эсдан чиқармаслик лозим. Ўқувчиларнинг дилини титратган нарса кўтаринки севги лаҳзаларининг майин тасвири эмас, аксинча севги интизорлигини енгиб чиқаётган шахснинг «Мен тирикман» деган ҳайқириғидир.

«Халқ», «коллектив» деган сўзларга асосий урғу қаратилиб, «мен» тушунчаси истеъмолдан чиқарилар, шахс такомилига йўл берилмас экан, жамият ривожи ҳам тўхтайди. Биз бугун ўша даврларни «турғунлик» ибораси билан атамоқдамиз. Ана шу турғунлик ўз ортидан замонсизликни ҳам эргаштириб келди.

Бизга фасл керак. Фарқи йўқ бизга
Ҳатто у бешинчи фасл бўлса ҳам, —

www.ziyouz.com kutubxonasi

дейди Муҳаммад Солиҳнинг лирик қаҳрамони. Бу сўзларни мустақил шахсларга муҳтожлик сезмаган жамиятни инкор қилиб, янги фасл, ҳаракат, янги ҳаёт излаётган одамнинг сўзлари деб талқин этиш керак. «Наҳот «хайр»лашиб қиш билан, энди Бирон бир фасл йўқ «салом» дейишга» каби мисралар эса замонага ўқилган ҳукмдек англашилади. Ва аёнки, бундай ҳукмни шу замонага алоқаси бўлмаган, (*«Гўё меҳмонлардай узоқдан келган, Ва ҳеч ким чиқмаган истиқболига».*) янги авлод айтиши мумкин эди. Бу фикрини мантиқан давом эттириб, М. Солиҳ «Биз эса ўзимизни «турғунлик болалари» — вақтсизлик фарзандлари ҳисоблаймиз», деган эди матбуотдаги суҳбатларнинг бирида.

Дунёга кўзини катта очиб қараган ва ўзининг унга кераксиз эканлигини англаган шахслар ўзларига таянч, юпанч қидира бошладилар. Ўзига йўл излаётган ёлғиз шахснинг изтироблари ва эзгуликни кутиши мавзуси кўп шеърларнинг ўзагини ташкил қилади. Масалан, мазкур ҳолат М. Солиҳнинг «Шу пайтда» деб номланган шеърида мана бу тахлитда ифодаланади:

Кимдир сенга шу пайт мактуб ёзмоқда,
Кимдир хаёлида ўпмоқда сени,
Кимдир сенга атаб чуқур қазмоқда,
Кимдир кимларгадир хўп мақтар сени.
Кимдир сени севар, ким олар қасос,
Сен ҳамма жойдасан — яқин, йироқда.
Демак, сен шу пайтда мутлоқ беасос
Шеърлар ёзаяпсан ёлғизлик ҳақда.

Бу ерда бироз яланғочлик ҳам бор. У эса шеърни бир қадар пастга тушириб, ўта мантиқий фикр — силлогизм (*икки фикрдан учинчи мантиқ чиқариш*) ҳолига келтириб ўқувчиларнинг дилида шеър деган муқаддас нарсанинг ўзига маълум даражада иштибоҳ туғдиради. (*Ихчам ва лўнда баён қилинган самимий фикр ва ўқувчиларнинг ҳолатига мос бўлган психологик асос ўзига жалб эта олади, тўғри, лекин қачондан бери яхши гап айтиш дегани — шеър саналадиган бўлиб қолди? Умумий ёлғон асосига қурилган жамият ҳақ сўзни инсоний муносабатлар доирасидан суриб чиқаргандан сўнг, унинг сўнгги макони адабиёт, хусусан, шеърият бўлиб қолди. Қофияси ва турофи жойига келтириб айтилган ҳар бир ҳақ сўз ўз-ўзидан шеър деб тушинила бошланди, — мана гап қаерда.*)

Шоирнинг «Кўчиш» деб номланган бошқа бир мўъжаз шеъри ёшлар шеъриятидаги лирик қаҳрамоннинг дилини аниқ тавсифлаши билан, унинг руҳиятидаги ботиний ҳаёт белгиларини яққолроқ кўрсатиши билан диққатга сазовор:

Масалани ечолмай,
Ҳуноб бўлган бир ўқувчидай,
Пардани сурдим-да,
Дераза юзидан артиб ташладим
Менга қараб турган дунёни.
Ва ўзим,
Мен ўзим айландим дунёга.

Мен ўхшатишнинг гўзаллиги, жозибаси ёки бир қисм ўқувчилар учун мураккаблик туғдириши ҳақида эмас, балки лирик қаҳрамон ҳолатига эътибор қилиш лозимлиги ҳақида сўзламоқчиман. Бугун «Турғунлик даври» деб аталаётган ўша давр (*гарчи унинг асоратларидан ҳали ҳам батамом узилиб кетолмаган бўлсак-да*) ростдан ҳам ечилиши деярли мумкин бўлмаган жумбоқ, масала эди. Унинг байроқ қилиб кўтарилган қонунлари билан яшаш амалда мумкин эмас, кўпчилик қилаётгани каби тилда маъқуллаб, дилда шубҳа билан қараб, амалда уни тўла инкор этиб, ўзи билганича, қўлидан келганича яшаш эса, байроқ этиб кўтарилган қонунларга бир қадар ишончи сақланиб турган софдил одам учун қийин. Бундай иккиюзлама ҳаёт одамнинг ич-этини, борлиғини еб, адо қилади. Лекин яшаш шарт экан, одам ҳали ўлмаган, тирик экан, демак, учинчи бир йўлни топишга мажбур. Бу йўл — ўзлик дунёсига, руҳ оламига чекиниш, дунёдан юз буриш ёки шоир чиройли қилиб айтгани каби, дунёни дераза юзидан артиб ташлаб, ўзи дунёга айланишдир. Ўзи подшо, ўзи фуқаро бўлган кўнгил салтанатидагина одам тўла эркин бўлиши мумкин.

Мазкур шеърда бу дунёнинг фонийлиги ва шу боис боқий дунёга дахлдор бўлиш учун инсондаги бирдан-бир ўлмас моҳият — руҳга қайтиш лозимлиги ҳақида кўҳна адабиётимиздаги ғоялар билан уйғунлик бор. Маълум маънода уни ўша тафаккур изланишларининг янги замондаги кўриниши деб ҳам қабул қилиш мумкин. Лекин, менингча, бу унчалик ҳам тўғри бўлмаса керак. Назаримда, бу ерда узлуксиз тадриждан кўра тасодифий ўхшашлик кўпроқдай туюлади. Ҳарҳолда, классик шеъриятимиздаги бу хил ғоялар боқий ва фоний дунё ҳақидаги диний-фалсафий таълимотга кўпроқ асосланганлиги шубҳасиздир. Янги шеъриятда бу ғоянинг яна юзага қалқиб чиқишини эса ижтимоий ҳаётдаги имконсизлик, иложсизлик билан боғлаш маъқул. Зеро, коммунистик дунёқараш, материалистик онг ҳаёт биттадир, деган ақидага кўпларни ишонтириб қўйган, лекин шарт-шароит шунга ишонганларнинг ўзининг ҳам тўғри, инсоний яшашига имкон бермаётган эди. Шунинг учун ҳам мен бу ерда фалсафий мантиқдан кўра борлиқни табиий инкор қилиш кўпроқ ўрин тутади, деб ўйлайман. Юқорида келтирилган парчалар, умуман 70-йиллар шеърияти биз унга нисбат беришимиз мумкин бўлган ҳар қандай таърифу тавсифлардан кўра кенгроқ ва кўламлироқдир. Унинг ноинсоний ва эрксиз жамиятда эркин бўлиб қола олган қаҳрамони доимий тадрижда, такомилда. Унга синчиклаб назар ташласак, унинг бағрида ҳали-ҳозирча биқиқ қолаётган, ўз-ўзи билан, қалби жамият сингдирган нуқсонлар билан курашаётган, жанг майдони фақат ўзининг руҳий оламида мавжуд бўлган лирик қаҳрамонни кўрамиз, лекин уни қадамба-қадам кузатишда давом этсак, унинг аста-секинлик билан асл курашчанлик хислатларини касб эта борганини, дунёни, бу ноинсоний ва эрксиз жамиятни танқид баробарида у билан курашга ҳам киришганлигининг гувоҳи бўламиз. Тўғри, бундай курашчанлик илгари ҳам мавжуд эди. Фақат бу пайтларда у ҳали дунёни билиб, англаб, сўнг курашга тушган кишининг вазминлиги эмас, балки болалик ўжарлиги ёинки жангариликка ўхшашроқ бир нарса эди. Шавкат Раҳмоннинг «Трамвайда» деган шеъри

www.ziyouz.com kutubxonasi

фикримизга ёрқин мисол бўла олади. «Резинага ўхшар эски трамвай», деб бошланувчи бу шеърда «бузуқ эшикларга осилиб» турган «бошяланг», қоракўз, митти бир бола» ҳақида ҳикоя қилинади. «Митти бола»нинг ким эканлиги ҳам шеърхонга кундай аён. Бугун бу образни бироз умумлаштириб ва айни замонда муайянлаштириб, ҳаётга энди қадам қўйган ёшларнинг рамзий образидир дейиш ҳам мумкин. Бутунлай шу болакай тарафда турган шоир ўз ҳисларини яширмасдан «ҳой бола, бўшашма, чида бир нафас, ўзингни вагонга уравер дадил», деб далда беради. Дунёни «эски трамвайга», янги авлодни «митти бола»га ўхшатган шоир «тортинма, олдинга интил, сўрамай, нима бўлса ҳамки, бола, барибир кетмаслиги керак сенсиз трамвай», деб хулоса чиқаради. Шу хулосанинг ўзидаёқ болаларга хос жангарилик кўриниб турибди ва бу жангарилик ҳали билимга эмас, кўпроқ савқи табиийликка асосланган.

Дастлабки пайтларда табиий инкор заминига қурилган ва рамзий образларда намоён бўлган курашчанлик тез орада дунёни ботиндан теран англаш, унинг қонунларини кашф этиш ва оқибатда — бузуқ дунёнинг кўринишларига эмас, сабабга — дунёни бузилишга олиб келган асосий моҳиятга қарши кураш биринчи паллага чиқди. Тўғри, англашнинг ўзи ҳам кўпинча жўнроқ эканлиги, схематиклиги бугунги ўқувчини бир оз таажжубга солиши, ўша даврнинг шеърий дидини тушунолмай ҳайрон, қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бунга ҳам мисол тариқасида Ш. Раҳмоннинг «Бир хонадонда» деб номланган шеърини кўриб ўтайлик:

Бунда ҳамма ўзини севар,
биров суймас мунис гулларни,
болаларнинг юрагида ҳам
ўстиришар фақат пулларни.
Ва уларнинг юракларида
ғараз, фосиқ ҳаваслар тунар.
Афсус, ўлар қанча даҳолар,
қанча ёниқ юраклар сўнар.
Унутишиб қўйган бу ерда
нима имон, инсоф, эътиқод,
яшайдилар бир-бирин алдаб,
ўзгаларнинг қайғусидан шод.
Юрак бунда тўхтама асло,
қара, қандай ёмон анқийди
сўлиб қолган орзу-хаёллар,
чириётган туйғулар ҳиди.

Мен бу шеърни шарҳламоқчи эмасман. Илло, унда шарҳга муҳтож томонларнинг ўзи йўқ. Бу нуқсонми ёки фазилатми — баҳолаш ҳар кимнинг ўзига тан. Лекин биз ҳаммамиз биргаликда буни шеъриятимиз тарихининг бир далили, бадиий-маънавий тафаккуримиздаги бир босқич сифатида ўз-ўзимиз учун қайд этишга мажбурмиз. Адабиёт илмининг мақсади адабиётни тушунтириш эмас, ўрганиш жараёнида бадиий-маънавий тафаккуримиз қай томонга йўналганини, нималарга эришиб, нималарни бой берганимизни яхшироқ англашнинг, ўзлигимизни тушунишнинг бир воситаси бўлишдир. Шу жиҳатдан қараганда, бу шеър бизнинг дунёни шунчаки инкор этиб ёки шунчаки мадҳ этиб келишдан бир қадам юқорига кўтарилганимиз, кўзимизни каттароқ очганимиз, теварак-атрофнинг моҳиятини англай бошлаганимиздан далолатдир. Агар ундаги фикрнинг ҳаддан ташқари яланғочлиги, қофияга солинган, турофу вазни ўрнига келтирилган ғоянинг шеърхон шуури, руҳига бульдозер каби босиб келиши кимларнингдир нозик дидини бугун қониқтирмай қўйган бўлса ҳам,барибир, бу ўзимизнинг тарихимиз эканини тан олишимиз зарур.

М. Солиҳнинг «Вертерга қўйилган айбнома» деган шеъри бор. У 1979 йилда ёзилган. Лекин анча кейин — 80-йилларнинг бошларида матбуот юзини кўрган. Бу шеър ҳам ўз ичидаги «жанг»лардан бироз бўшаб, асл моҳиятни, тўғри англай бошлаган эрксиз жамиятдаги эркин шахс кечинмаларини чизиб бергани билан эътиборимизни ўзига тортади.

Сизнинг аср ўғри ва сотқинларни
Осарди аямай, дуч келган жойга,
Шунча ҳам ваҳшийлик бўларми, ахир,
Бизда-чи, ўғри йўқ. Мабодо оссак,
Ҳурмат тахтасига осамиз, Вертер.

Шеър истеҳзога лиммо-лим тўла. Шоир киноя воситасида сохталикларни фош этади, ўзи мансуб воқеликда урчиб кетган ёлғон ақидалар устидан аччиқ кулади. Диққатга сазовор томони шундаки, шоир гўё ўз қилмишлари устидан истеҳзо қилаётгандек қалам юритади. Маълум маънода ўзининг ҳам шу жамиятга мослашганини тан олади. Ёлғончи жамиятнинг шахсни емириши қандай даҳшатли кўлам касб этганидан огоҳ этади.

Шахс ва жамият... Умуман олганда, бу — абадий мавзу. Ҳар қандай шахс ўзининг жамиятдаги ўрнини аниқлашга интилар экан, беихтиёр ўз ақидаларини баён эта бошлайди. Хуршид Даврон нинг бевақт нобуд бўлган истеъдодли рассом Ш. Абдурашидов хотирасига аталган бир шеъри бор. Менингча, у «ёшлар» шеъриятининг лирик қаҳрамони табиатини ёрқин ифодаловчи асарлардан бири саналади ва яна кўп тадқиқотчилар унга мурожаат қилсалар керак:

Биз шундай яшаймиз.
Севиб май, чоғир,
Қонуну расмга телба-тескари,
Биз минг йил кутишга розимиз, ахир,
Дарахт шохларида баргдек ўсгани.

Бу шеър шоирнинг анча чиғириқлардан ўтказиб тайёрланган «Болаликнинг овози» (1986 й) китобида қуйидаги кўринишда берилган:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биз шундай яшаймиз,
Ватанга фидо,
Тайёр туриб уни ёвдан тўсгани,
Биз минг йил кутишга розимиз, ҳатто
Дарахт шохларида баргдек ўсгани.

Кўриниб турибдики, гарчи шеър ижтимоийлашган, унга «юксакроқ», олижаноброқ» туйғулар юклатилган бўлса ҳам, уни ютган деб айтиш қийин. Илло, биринчи нусхада у асл ҳақиқатга асосланган, лирик қаҳрамон юрагининг туб-тубида ботин ётган туйғуларни соҳир бир қувват билан бўрттириб ифодалаган эди. Иккинчи нусхада эса у, назаримда тазйиқ остида умумий оддий бир фикрга айлантирилган. Агар биз биринчи нусхани ўқиб, унинг фақат шу замоннинг одами дилининг акси эканлигини тан оладиган бўлсак, иккинчи нусхадаги фикрни эса, хоҳлаган мамлакат фуқаросининг оғзига солиб қўйиш мумкин.

Ёшлар шеърияти ўзи билан янги шеърий шаклни ҳам етаклаб келди. Албатта, бу ҳукмни ҳаммага бирдай тадбиқ қилиш қийин. Азалий анъаналарни давом эттириб, уларга баъзи бир янги унсурларни киритаётганлар ҳам, эски шаклдан анча узилиб, оралиқ бир шаклларда ёзаётганлар ҳам, бутунлай янгича ёзиш йўлига ўтганлар ҳам, турлича йўналишларни жам қилишга уринаётганлар ҳам бор. Ҳулласки, бу шеърият ранг-баранг. Биз ҳозир янги шаклда ёзаётганлар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Бир пайтлар М. Солиҳнинг бор-йўғи икки қатор: «Биз сен билан хўрозни эмас, Биз сен билан тонгни кутамиз», шеъри кўпларнинг диққатини ўзига қаратган, ҳаяжонга солган эди. Аслида уни шеър дейиш мумкинмикин? Бу ахир фикр-ку. Тўғри, унда образлилик бор, хўроз ва тонг шунчаки сўзлар эмаслиги, улар образ, яна ҳам тўғирофи рамз эканлиги кўриниб турибди. Лекин шундай бўлса-да, биз — ўқувчилар барибир уни фикр деб қабул қиламиз. Чунки, инсоннинг ҳар қандай мушоҳадасида у ёки бу даражада образлилик бўлмасдан илож йўқ. Шеъриятда эса образнинг аҳамияти жуда улкан, у фикрни тўлароқ етказиш воситаси бўлишдан кўра каттароқ юк ташийди. Фикрнинг ўзи қанчалик аҳамиятга эга бўлса, туйғулар ҳам, ифодаланаётган образнинг ўзи ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Шеърият инсонни яхлит тасвирлайди, фикрларини ҳам, туйғуларини ҳам. Шеърий образ эса уларни жипслаштириб турувчи, биргаликда кўрсатувчи воситадир. Шу томондан қараганда, М. Солиҳнинг бу шеърини жудаям юқори баҳолаш қийин. Лекин шу кичик образли фикр — шеърда туғилиб келаётган янги қаҳрамоннинг ва янги шаклнинг асосий қирралари бўртиб кўринаётганлигини ҳам тан олиш керак. Кўп йиллар давомида эркин фикр бўғиб келинди. Бу эса ўз-ўзидан равшанки, фикрга чанқоқликни келтириб чиқарди. Ҳамма қатори бўйнини эгиб, қуллуқ қилиб, айтишганига хўп деб, буюришганига кўникмаган, ўзи ҳамма томондан кўзга кўринмас занжирлар билан чирмаб ташланганини англаган ёки англаётган одам, улардан қутулиш учун даставвал эркин фикр ёнига қуллуқ қилиб боради. Унинг учун бирдан бир ҳаёт тафаккур ҳаёти бўлиб қолади. У шундан ўзгасини тан олмайди. У барча занжирларни узишнинг бирдан бир йўли фикрдир деган тўхтамга келади. Унинг ҳаёти яхлитлигича фикрга айланади. Яъни, яхлит фикр унинг туйғуларини ҳам ифодалайдиган бўлади. Лирик қаҳрамон атрофга қарайди ва бу эрксиз жамиятни тунга ўхшатади, у ўзининг дилида тонг умиди қалқиб турганини ҳис қилади ва фақат шуни ёзади. У тунда яшаяпман экан, атроф қоп-қоронғу, бирон ёруғлик кўрмаяпман деб дард-алам чекиши ҳам мумкин эди. Лекин унинг учун мана шу иқрорнинг, илк бор англашнинг ўзи муҳим. Унинг учун фикр — тун деворини ёриб ўта олган илк шуъла ҳаммасидан муҳим. Шунинг ўзини ёзади. Чунки англаш жараёни энди бошланяпти. Бу ерда эса фикр биринчи босқичдир.

Янги қаҳрамоннинг дастлабки моҳияти фикр экан, хўш, янги шаклнинг дастлабки моҳияти нимада кўриняпти?

Яна ўша фикрнинг ўзида.

Шу ўринда ғалати бир савол туғилади: ҳар бир шеърда, албатта, бирон-бир янги фикр ёки гап айтиш шартмикин ўзи? Эрта баҳорда энди бўртган куртакни кўрган кишининг дилида қандай тўфонлар қўзғолмайди, дейсиз, ахир бу тўфонларнинг кўпчилиги бирон бир муайян фикрдан холи — тил-забонсиз туйғулар бўлиши ҳам мумкин-ку. Илиқ куз кунларида табиат қонунларига қасдлашган каби йўл ёқаларида ниш урган майсаларни кўрганда тириклик ҳақида, умр ҳақида; тасодифан катта кўчада рўпарамизда тобут кўтарган оломон чиқиб келса ўлим, фоний ва боқий дунё, ажалдан кейинги ҳаёт, қиёмат кунининг ҳақлиги тўғрисида азалий ўйларга берилишимиз ҳам ҳақиқат-ку. Ҳар доим янги фикр, янги туйғулар билан юрмаслигимиз, эски фикр ва туйғуларимизни ардоқлаб, шуларнинг хотираси паноҳида юришимиз ҳам рост-ку. Минг марта бошдан ўтказилган эски туйғулар ҳар сафар янгича лаззат бериши ҳаммага маълум-ку. Шундай экан ҳар битта шеърда, албатта, янги гап топиб айтишга уриниш ўзини оқлармикин? Ҳозирдан айтиб қўйиш мумкинки, ёшлар бу камчиликдан йиллар ўтиши билан халос бўла бордилар ва бу жараён узлуксиз давом этаверади.

Янги қаҳрамон ва янги шакл фақат М. Солиҳгагина тааллуқли ҳодиса эмас. Унинг тенгдошларидан бири У. Азимовда ҳам шеър мазмунини муайян фикр асосига қуриш ва шаклни ҳам шунга мослаштиришга уриниш бор. Бунинг учун шоирнинг дастлабки тўплами — «Инсонни тушуниш»ни варақлашнинг ўзи кифоя қилади:

Мана, мен
Сизга
Нафратим ва севгимни
Ҳар битта шеъримда
айтаяпман-ку.

Мен бу мисраларнинг бир оз жангар ва ўжарлигига, тўпориларча соддалиги ва кескинлигига, самимийлигига диққатни қаратмоқчи эмасман. Булар шундоқ ҳам кўриниб турибди. Шоирнинг ёки лирик қаҳрамоннинг ўзи ҳақида ФИКР айтаётганлиги диққатга сазовор. У ўзининг ботиний туйғуларини, қалб силсилаларини тасвирлашга, ифодалашга уринмайди, булар унинг учун муҳим эмас, унинг учун муҳими — ўзининг кимлиги, ўзи ҳақида ўзининг англаб етган ҳақиқати. Уни юракдаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

нозик туйғулар эмас, ақлнинг тўфони кўпроқ ўзига жалб қилган. Ақл излаб топган фикр муҳим. У ҳатто бошқаларда ҳам шундай ҳаётни — ақл ҳаётини, тафаккур ҳаётини талаб қилади. Шеърнинг ўқувчиларга таъсир ўтказиш қуввати ҳам шунда — фикрсизлик ботқоғида ялт этиб ўжар ва жангари, ростгўй фикрнинг пайдо бўлишида. Ўқувчиларнинг дилини оний туйғуларнинг гўзал ифодаси эмас, ақлнинг шиддатли ҳаёти титроққа солади. Туйғулар фикрни қўзғамайди, балки, фикр туйғуларни жунбушга келтиради. *(Сиртдан бир-бирига сира ҳам ўхшамайдиган икки шоир — М. Солиҳ ва У. Азимовнинг аслида бир-бирига қанчалик яқин эканлигини айнан шу нуқта яққол кўрсатади, уларнинг айнан бир авлод эканлигини исботлайди.)*

Ўйлаб-ўйлаб топган гапига образ деган кўйлак кийдириб, сўнг ўқувчиларга тақдим қилиш *(яъни, шеърда фикрнинг биринчи ўринга даъвогарлиги — У. Азимовнинг илк ижодига хос хусусиятлардан бири)* тўпламдаги аксарият шеърларга тааллуқли ҳодиса. Бунинг яна бир исботига қуйидаги парча мисол бўла олади.

Ўйноқ-ўйноқ, оғир-оғир оқмоқда умрим,
Гоҳ кўз юмиб, гоҳ уфққа боқмоқда умрим.
Бор жонини садқа айлаб шеърга, қўшиққа,
Сиз йўқотган сурурларни топмоқда умрим.

Бу ерда бир қарашда фикрнинг устунлиги, инсон тасвири яхлитлигининг бузилганлиги сезилмаётгандек туюлади. Чуқурроқ диққат қилсак, шоирнинг ўз ҳаётини маълум бир маънода ақл таҳлилидан ўтказиб, бизга топган хулосаларини тақдим этаётганини кўрамиз. Бу ердаги сўзлар, образли ифодалар фикрга киядирилган ярқироқ беқасам чопондан ўзга нарса эмас. Бу ерда шеър — туйғу кам, фикр эса кўп. Уни ўқиган ўқувчи шоирни кўради, лекин уни ҳис қилмайди. Буни эса шеъриятнинг муваффақиятсиз томонларидан бири десак хато қилмаймиз.

Лекин, бу ерда бошқа бир муҳим жиҳатни ҳам унутмаслик керак. Турғунлик жамияти инсоннинг бутун борлиғини ўзига бўйсундирган ва бутун борлиғини ўзи билан бирга таназзул сари судраб келмоқда эди. Бунга жиддий қаршилик кўрсатаётган бирдан бир куч эса тафаккур эди. Одам ўзини тўла ҳис қилишдан бурун ўзининг кимлигини АНГЛАБ олиши керак эди. Англаш эса ҳар доим ақлнинг, тафаккурнинг вазифаси, бурчидир.

Яшамоғим зарур,
Ҳар дақиқани
Ғазаб билан, севги билан тўлдириб,
Дунёдаги барча қора нарсани
Ёруғ лаҳзаларда ўлдириб.
Токим
Бош кўтариб қарай куёшга,
Токим кўзларимда ёнсин ҳақиқат,
Токим тош мисоли тегмасин бошга
Мен яшай олмаган
Ҳар бир дақиқа... —

деб ёзади шоир Ш. Раҳмон ўзининг илк тўплами «Рангин лаҳзалар»да. Бу шеърда ҳам, тенгдошларида бўлгани каби, фикрнинг, ғоянинг устивор ҳаракати равшан сезилиб туради. У гўёки ўзидан норози бўлган, кундалик ҳаётидан кўнгли тўлмаган, рангсиз ва таъмсиз ҳаётнинг ожиз долғалари ичра бир хас каби қалқиб юришни истамаган одамнинг қасами каби жаранглайди. Эҳтимол, бу шеър ҳам вақт синовига бардош беролмай «сарғайган саҳифалар аро қараб тек» қолиб кетар. Лекин ундаги жангари руҳ, дунёга очиқ нигоҳ, тафаккурнинг тизгинсиз уринишлари ўша давр шеъриятини таърифлайдиган бир далил сифатида эътиборлидир. Албатта, фикр фикрдан фарқ қилади. Аввалги, социалистик реализм ақидаларига фикрнинг ўта ижтимоийлиги хос эди. У, кўп ҳолларда, қуруқ «ижтимоий»лашиб, тўғридан тўғри у ёки бу ғоянинг шеърий баёнига айланиб қоларди. Кейинроқ бориб А. Орипов, Р. Парфи ижодида фикр ўзи чиқиб олган ўша «юксак» чўққидан тушиб, оддий одамлар ёнига келди. Уларнинг дил тубида секин ғунча ёза бошлаган оғриқли ўйларнинг ифодасига айлана бошлади. Лекин, бу шоирлар замонида шахс ҳали ижтимоийётчилик занжирларидан тўла қутулмаганди, айрим шахснинг ўзлигида муайян табақага, ижтимоий қатлам ё гуруҳга, қисқача айтганда, коллективга мансублик кўпроқ эди. А. Орипов ёки Р. Парфи, Э. Воҳидов ёки М. Али шеърлари ҳар қанча ўзига хос тарзда жарангламасин, уларда ўзлари мансуб бўлган давр овозини аниқ-равшан илғаш мумкин. Кейинги шоирлар ижодида эса мустақил руҳнинг ўзига хос тадрижи, такомили анча яққол кўринади. Улардаги фикр коллектив ҳаётнинг олға судраётган ғояси эмас, айрим шахснинг фақат ўз тажрибаларидан келиб чиқиб билдираётган фикри эканлиги билан ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Инсоннинг ўз ҳаёти учун фақат ўзи жавобгарлиги — «Токим тош мисоли тегмасин бошга Мен яшай олмаган ҳар бир дақиқа» — янги авлод англаб етган илк улкан ҳақиқатлардан бири бўлди.

Тоталитар тузум учун мустақил иродали, эркин шахслар мутлақо зарур эмас эди. Унинг адабиёти учун ҳам бундай одамларнинг ички ҳаёти тасвирланган шеърият бутунлай ёт эди. Бугунги кун адабиётида, хусусан, шеъриятда янгича шахс концепцияси (фикри) пайдо бўлганлиги тузумнинг таназзулга юз бурганидан дарак бергани каби, адабиётнинг ҳам ўзгариб янги бир босқичга кирганидан далолатдир.

---

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

НАСР

Омон Мухторов. Минг бир қиёфа. *Роман* 3
Шукур Холмирзаев. Олабўжи. *Романдан катта ҳикоя* 100
Иноятуллоҳ Канбу. Баҳори дониш ёхуд вафодор ва бевафо хотинлар ҳақида қисса 170

НАЗМ

Каромат Дўстматова. Умидим уланди узилган торга 77
Ғулом Фатҳиддин. Мен эса истакман 80
Оллоёр Бегали. Ой ҳорғин букчайган йўлчи самода 82
Усмон Азим. Оқпадар. Нотарихий драматик достон 94
Тошқин. Ватан озодлиғи халқимга эркинлик таманноси 148

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Озод Шарафиддинов. Мустафо Чўқаев 85
Ҳамидулла Болтабоев. Юрт қайғуси 181
Абдурауф Фитрат. Туркистонда руслар 183

МЕРОС

Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома 152

ҚУТЛОВ

Ҳабиб Саъдулла. Юзма-юз турибди ўтмиш ва бугун 167

АДАБИЙ ТАНҚИД

Мусурмон Намоз. Янги туйғу тадрижи 185

АКС САДО

Кибриё Қаҳҳорова. Улфатим, ҳамдамим «Шарқ юлдузи» ойномасига . 191

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
№ 4
Журнал писателей Узбекистана

Издательско-полиграфический концерн «ШАРК» при управлении делами аппарата президента республики Узбекистан,
Ташкент — 1992

Техник муҳаррир **Ю. Абдуллаев** Навбатчи **И. Отамурод**

Таҳририятга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент — 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 06.02.92 й. Босишга рухсат этилди 9.03.92 й. Қоғоз формати 70×108 1/16. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 12. Шартли босма тобоғи 16,8. Шартли-рангли босма тобоғи 17,5. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 18,2. Адади 87023 нусха. Буюртма 256. Обуна баҳоси 2 сўм, сотувда 5 сўм.

Ўзбекистон республикаси президенти маҳкамасининг ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi